

ЖАМОАТЧИЛИК БИЛАН АЛОҚАЛАР: ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАР, МУАММО ВА ЕЧИМЛАР

Севара УРИНБАЕВА

Бўлим бошлиғи

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги

Тошкент, Ўзбекистон

Аннотация

Мақолада ОАВ ва бошқа ахборот тармоқлари орқали жамоатчилик билан алоқаларнинг ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: жамоатчилик билан алоқалар, халқ билан мулоқот, давлат органлари.

СВЯЗИ С ОБЩЕСТВЕННОСТЬЮ: ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ, ПРОБЛЕМЫ И РЕШЕНИЯ

Севара УРИНБАЕВА

Начальник отдела

Министерство юстиции Республики Узбекистан

Ташкент, Узбекистан

Аннотация

В статье анализируются правовые основы связей с общественностью.

Ключевые слова: связи с общественностью, обратная связь с населением, государственные органы.

Сўз ва матбуот эркилиги – демократиянинг қон айланиш тизимидир. Давлатимиз раҳбари томонидан олиб бораётган изчил ислохотларнинг устувор йўналишлари ҳам сўз эркилиги принципига риоя қилиш, холислик, ҳаққонийлик, очиклик ва шаффофликни барча учун амалда баробар таъминлашга қаратилган. Шундан англаш мумкинки, сўз эркилиги Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш сиёсатининг устувор йўналиши саналади.

Бу эса, ўз навбатида, медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан қонуний асосда муносиб жавоб қайтаришни тақозо этади. Давлатнинг сиёсий-ҳуқуқий бошқаруви авваламбор фуқаролар билан қайта алоқани тўғри йўлга қўйилгандагина юқори самарадорликни кўрсатади. Бунинг учун аҳолига амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади, вазифалари ва натижалари ҳақида тезкор, холис ва тўлиқ ахборот етказиш, давлат органлари шаффофлигини таъминлаш лозим. Айни шу вазифаларни

амалга ошириш учун давлат органларининг жамоатчилик билан ўзаро ҳамкорлик алоқалари ва ахборот хизматлари фаолиятининг тўғри йўлга қўйилганлиги катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўзининг Олий Мажлисга 2020 йил 29 декабрдаги Мурожаатномасида айтишга қаратиб жумладан шундай деган эди: “Навбатдаги муҳим масалага эътиборингизни қаратишиман. Оммавий ахборот воситалари мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни холис ёритиш билан бирга, жойлардаги мавжуд долзарб муаммоларга давлат идоралари ва жамоатчилик эътиборини қаратиб, уларни бартараф этишга барча даражадаги раҳбарларни даъват этиб, ундаб келаётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Улар том маънода “тўртинчи ҳокимият”га айланиб бормоқда. Аччиқ ва танқидий материаллар жойлардаги қўплаб амалдорларга ёқмаслиги, уларнинг тинчини ва ҳаловатини бузаётгани ҳам бор гап. Лекин ошкоралик ва сўз эркинлиги бу – давр талаби, бу – Ўзбекистондаги ислохотларнинг талаби.

Биз ўтган йиллар давомида жамиятимизда ошкоралик ва очиқлик, сўз эркинлиги муҳитида яшаш ва ишлашга аста-секин ўрганиб бораётишимиз. Холис ва адолатли журналист ва блогерларнинг танқидий чиқишлари эскича қолипда ишлайдиган раҳбарларнинг фаолиятидаги хато-камчиликларни кўрсатиб, уларни иш услубини ўзгартириш ва масъулиятини оширишга мажбур қилмоқда. Бундан буён ҳар бир давлат органи ўз кундалик фаолиятида оммавий ахборот воситалари билан яқин мулоқот ва ҳамкорликни йўлга қўйиши зарур ва шарт” [12].

Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2019 йил 27 июндаги ПҚ–4366-сон қарори бу ўринда амалга оширилаётган ислохотларнинг изчиллигини кўрсатади.

Давлат бошқарувида жамоатчилик билан алоқаларнинг ўрни мавзусини тадқиқ қилишнинг долзарблиги ушбу соҳанинг нисбатан янгилиги, йўналишда учраб турган муаммоларга янгича қараш билан, шу жумладан PR менежментнинг янги технологияларини қўллаш орқали ривожлантиришни талаб қилаётганлигида кўринади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг Иккинчи бўлимида инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари белгиланган бўлиб, у олтига боб (V–XI) ва 45та (19–64) моддани ўз ичига олади. Жамоатчилик билан алоқаларнинг кенг йўлга қўйилганлиги шахс ва фуқароларнинг Конституцияда белгиланган ана шу ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини амалга оширишда муайян рол ўйнайди. Бироқ айрим кризис вазиятларда жамоатчилик билан алоқаларнинг тўғри йўлга қўйилмаётганлиги, ушбу йўналишда ишлаётган мутахассислар малакасининг етишмаётганлиги бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар кўламини жадал суратларда оширишни талаб этади. Бунда давлат органларидаги жамоатчилик билан алоқалар бўлимларининг ҳуқуқий мақоми ва моддий базаси тайёргарлик даражасининг аҳамиятини янада ошириш талаб этилади.

Давлат бошқарувини амалга оширадиган органларда жамоатчилик билан алоқаларнинг тўғри йўлга қўйишнинг ўрни ва роли қанчалик муҳим аҳамият касб этишини тушунган ҳолда аҳоли ўртасидаги турли сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий, экологик ва бошқа ш.к. муаммоларга ечим топиш давр тақозосидир.

Шу муносабат билан давлат ва хўжалик бошқаруви соҳасида очиқлик ва шаффофликка асосланган самарали қарорлар қабул қилиш тизимини жорий этиш, ахборот олишда мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлиги, очиқлиги ва масъулиятини таъминлаш зарур. Бу давлат ва хўжалик бошқаруви аппаратининг самарали фаолият юритиши ҳамда жамиятда адолатни қарор топтиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Шу муносабат билан, медиа маконда юзага келаётган чақириқларга тезкорлик билан муносиб жавоб қайтарилмаётганини кўрсатиб, мамлакатда

амалга оширилаётган улкан миқёсдаги ислохотлар тўғрисидаги кенг камровли маълумотларни ўз вақтида тақдим этиш бўйича жамият эҳтиёжларини ҳисобга олиб, ахборот соҳасидаги ишларни сезиларли даражада ошириш, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш тақозо этилмоқда.

Жамоатчилик билан алоқалар илдизи бир жиҳатдан журналистикага бориб тақалади, демак PR ҳам ОАВга оид қонунлар замирида раванқ топади. PR амалиёти сифатида матбуот хизмати фаолиятини таҳлил этсак, у ҳам ахборот олишга ва уни кенг оммага тарқатишга йўналтирилгандир.

PR-мутахассислари фаолиятидаги энг муҳим масалалардан бири уларнинг ўз фаолиятида ижтимоий масъулият ҳиссига, хулқ-атворга ва хатти-ҳаракатларнинг қонунийлигига олиб келадиган ҳуқуқий нормаларга риоя қилишдир.

PR мутахассислари ўз ишларида қуйидаги қонунларга амал қилишлари керак:

1. *Ўзбекистон Республикаси Конституциясида* ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга. Ҳар ким исталган ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга. Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади.

Ахборотни излаш, олиш ва тарқатишга бўлган ҳуқуқни чеклашга фақат қонунга мувофиқ ҳамда фақат конституциявий тузумни, аҳолининг соғлиғини, ижтимоий ахлоқни, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлигини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш, шунингдек давлат сирлари ёки қонун билан кўриқланадиган бошқа сир ошкор этилишининг олдини олиш мақсадида зарур бўлган доирада йўл кўйилади (33-модда) [1].

2. *Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майдаги “Давлат сирларини сақлаш тўғрисида”*ги 1993 йил 7 май қонуни давлат ҳокимияти ва

бошқарув органлари, мулк шаклидан қатъи назар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва бирлашмалар, Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий тузилмалари ва фуқароларининг республика ҳудудидаги ҳамда унинг ташқарисидаги фаолиятининг барча турларида давлат сирларини сақлашнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради [2].

3. Ўзбекистон Республикасининг *“Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”*ги 2014 йил 5 май қонуни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солади [3].

4. Ўзбекистон Республикасининг *“Телекоммуникациялар тўғрисида”*ги 2011 йил 30 декабрь қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонуни давлат бошқаруви соҳасида замонавий телекоммуникациялар тармоқларини жорий этиш, ривожлантириш ва улардан фойдаланиш, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахсларга интерактив давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш масалалари бўйича таклифлар ҳамда тавсиялар ишлаб чиқади [4].

5. Ўзбекистон Республикасининг *“Ахборотлаштириш тўғрисида”*ги 2003 йил 31 декабрь қонуни ахборотлаштириш, ахборот ресурслари ва ахборот тизимларидан фойдаланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади [5].

6. Ўзбекистон Республикасининг *“Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”*ги (янги таҳрирдаги) 2007 йил 15 январь қонунининг мақсади оммавий ахборот воситаларининг фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат [6].

7. Ўзбекистон Республикасининг *“Реклама тўғрисида”*ги 2022 йил 7 июнь қонуни рекламани тайёрлаш, жойлаштириш ва тарқатиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солади, рекламанинг айланиши соҳасидаги барча муносабатларга нисбатан татбиқ этилади [7].

8. Ўзбекистон Республикасининг *“Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”*ги 1997 йил 24 апрель қонунининг мақсади журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган [8].

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *“Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”*ги 2022 йил 14 октябрдаги 595-сон қарори *“Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”*ги Ўзбекистон Республикаси қонунига мувофиқ ҳамда давлат хизматчиларининг хизмат фаолиятига оид ва хизматдан ташқари одоб-ахлоқи, жамоатчилик билан муносабатларига доир қоидаларга риоя этилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган [9].

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг *“Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”* 2018 йил 15 февраль қарорида ҳам ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштиришга, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот жиҳатидан очиқлигини янада ошириш, жамоатчиликка амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларнинг мақсадлари, вазифалари, бориши ҳамда натижалари, мамлакатнинг глобал ахборот жамиятига уйғун интеграциялашуви ҳақида ўз вақтида, ҳолисона ва тўлақонли ахборотни тезкорлик билан етказиш, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини тубдан оширишга алоҳида эътибор қаратилган [10].

Ўзбекистонда давлат бошқарувида очиқликни жорий этиш, ахборотнинг умумфойдаланиш учун очиқликлиги, маълумотларнинг ошқоралик ва сифат даражасини халқаро талабларга мувофиқлаштириш соҳасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Бунини сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган концептуал аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар,

коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Хусусан, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги, “Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида”ги ва “Жамоатчилик назорати тўғрисида”ги қонунлар барча тоифадаги мансабдорларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатига кенг жамоатчилик ҳамда халқ кўзи билан баҳо бериш имконини яратди. Бундан ташқари, ҳукумат очиқлиги соҳасида 2021–2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида очиқ маълумотлар соҳасини ривожлантириш Концепцияси қабул қилинган.

Соҳадаги сўнгги йилларда амалга оширилган ислохотларнинг узвий ва мантиқий давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2021 йил 16 июндаги ПФ-6247-сон Фармони қабул қилинди. Фармон билан амалдаги қонунчилик ҳужжатларида мавҳум бўлган муаммоли масалалар тўлиқ ўз ечимини топди.

Ўзбекистонда Давлат раҳбарининг сиёсий иродаси туфайли жорий этилган очиқлик сиёсатининг моҳияти, ўзига хослиги шундаки, давлат органлари ва ОАВ, фуқаролик журналистикаси вакиллари ўртасида мулоқот жараёнида пайдо бўлган, етилиб келаётган муаммоли, баҳсли вазиятларни тартибга солиш бўйича ҳуқуқий асослар тақдим этиб борилмоқда.

Матбуот ва оммавий ахборот воситаларини эркинлаштириш ва ривожлантириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган 10 га яқин қонун ҳужжатлари қабул қилинди ва улар орқали ОАВ ва давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот хизматлари ходимлари мақоми оширилди.

Жамоатчилик билан алоқалар соҳасида самарали фаолият олиб бориш учун оммавий ахборот воситалари соҳасига тааллуқли ва амалда қўлланиладиган тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни, назарияни билиш

яхши, бироқ умумий қонунчилик асосларини ўзлаштирмай туриб, фаолиятни йўлга қўйиш ғоят қийин. Ҳозирги вақтда жамоатчилик билан алоқалар мустақил фаолият тури ҳамда касб сифатида ҳам кенг тарқалмоқда. Қатор олий таълим муассасалари фаолиятнинг бу йўналиши учун ҳам мутахассислар тайёрлашмоқда. Кузатувлар бир неча йиллар давомида ҳаётимизнинг кўплаб соҳалари жамоатчилик билан чамбарчас боғлиқлигини кўрсатмоқда. РРни ҳуқуқий тартибга солиш ҳам кўплаб соҳалар каби долзарб бўлиб бормоқда.

Малакали мутахассислар ва уларнинг амалий иш фаолияти ҳозирги кунда ҳал қилувчи ҳисобланади ва қонунчилик асослари ўзига хос пойдевор бўлиб, уларни билмаслик ҳар қандай фаолиятига зарар етказишини амалда ўз исботини топмоқда. Кадрларнинг қонунчиликда белгиланган мақомини амалда ҳам жорий этиш, янги трендларни инобатга олиб доимий равишда малакасини ошириб бориш, мавжуд штатлар бирлигини қайта кўриб чиқиш, уларга зарур меҳнат шароитларини яратиш зарур. Сабаби, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий, экологик ва бошқа янгиликларни, давлатимиз сиёсатини тарғиб қилувчи материаллар учун сарфланиши назарда тутилган алоҳида маблағлар амалдаги қонунчиликда назарда тутилмаганлиги боис давлат идоралари ва ташкилотлари нима асосида пул тўлашни билишмайди. Қонунчиликда бу масала очиқ қолган. Шу сабабли мазкур камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар томонидан тегишли ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши лозим.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.

<https://lex.uz/docs/6445145#6445735>

2. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-369-сон 2014 йил 5 май Қонуни. <https://lex.uz/mobileact/2381133>;

3. Давлат сирларини сақлаш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ - 848-ХП-сон 1993 йил 7 май Қонуни. <https://lex.uz/docs/98850>

4. Телекоммуникациялар тўғрисида”ги қонунига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш ҳақида: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ - 848-ХП-сон 2011 йил 30 декабрь Қонуни. <https://lex.uz/docs/1927383>

5. Ахборотлаштириш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-560-П-сон 2003 йил 31 декабрь Қонуни. <https://lex.uz/acts/9433>

6. Оммавий ахборот воситалари тўғрисида (янги таҳрири): Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-78-сон 2007 йил 15 январь Қонуни. <https://lex.uz/docs/1106870>;

7. Реклама тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-776-сон 2022 йил 7 июнь қонуни. <https://lex.uz/docs/6052631>

8. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида: Ўзбекистон Республикасининг ЎРҚ-402-П-сон 1997 йил 24 апрель Қонуни. <http://old.lex.uz/docs/9540?query=%D0%B6%D1%83%D1%80%D0%BD%D0%B0%D0%BB%D0%B8%D1%81%D1%82>

9. Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ–4366-сон 2019 йил 27 июнь қарори. <https://lex.uz/docs/4390513>

10. Ўзбекистон Республикаси давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот хизматлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 125-сон 2018 йил 15 феврал қарори. [Lex.uz](https://lex.uz)

11. Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ВМҚ-595-сон 2022 йил 14 октябрь қарори.<https://lex.uz/uz/docs/6236838>

12. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 2020 - <https://president.uz/uz/lists/view/4057>

13. <https://www.tsutmb.ru/nauka/internet-konferencii/2018/inf-doc-obespech-upravl/8/suhoruchek.pdf>

14. https://studme.org/1830090326225/menedzhment/professionalnye_lichnostnye_kachestva_pr-spetsialista

15. <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-osnovy-pr-deyatelnosti-v-seti-internet/viewer>